

Ҳ У К М  
Ўзбекистон Республикаси номидан

2024 йил май ойининг 16 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, ўз биносида, видеоконференцалоқа воситасидан фойдаланган ҳолда очик суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг судьяси У.Мирзаабдуллаев, халқ маслаҳатчилари С.Муллажонов, У.Мусаевалардан иборат таркибда, Б.Турсуновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Ш.Адашев, судланувчи М.Матазимов ва унинг химоячиси Ж.Рузиохунов, судланувчи М.Ашурматов ва унинг химоячиси Ш.Суяркуловларнинг иштирокида, Матазимов Мухсинжон Махмудович ва Ашурматов Махаммаджон Байматовичларни айблашга оид 1-1701-2403/246-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Матазимов Мухсинжон Махмудович (Matazimov Muxsinjon Maxmudovich), 1983 йил 10 февралда Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, мукаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2002 йил 15 январдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг «в» банди билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2003 йил 7 мартдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 11 ой 29 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2007 йил 15 январдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2009 йил 16 апрелдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 4 ой 12 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2010 йил 30 мартдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил



2 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ЖКнинг 77,78-моддаларига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, Андижон шаҳри, Гумбаз МФЙ, Ахмад Дониш кўчаси, 20-уйда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2024 йил 9 январдан буён қамокда сақланаётган, айблов хулоса нусхасини 2024 йил 5 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг «б» банди ва 25,273-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан айбланган.

Ашурматов Махаммаджон Байматович (Ashurmatov Maxammadjon Baymatovich), 1963 йил 2 июнда Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласи билан ажрашган, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам:

- 1) Андижон шаҳар судининг 1990 йил 17 августдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК (1959 йил таҳрирдаги) 88-моддасининг «а» банди билан 1 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига;
- 2) Андижон шаҳар судининг 1993 йил 28 апрелдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК (1959 йил таҳрирдаги) 209<sup>2</sup>-моддасининг 1-қисми билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;
- 3) Андижон шаҳар судининг 1998 йил 11 июндаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 272-моддасининг 3-қисми билан 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, 2005 йил 23 февралда 2004 йил 1 декабрдаги амнистия актининг 4-бандига асосан жазодан озод қилинган;
- 4) жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2006 йил 13 ноябрдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг «а,б» бандлари билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига;
- 5) жиноят ишлари бўйича Бўз туман судининг 2011 йил 19 майдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан 7 йил



озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилган;

б) жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2018 йил 13 ноябрдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг «б» банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони тўлиқ ўтаган, доимий яшаш жойига эга эмас, эҳтиёт чораси тариқасида 2024 йил 8 январдан буён қамокда сақланаётган, айблов хулоса нусхасини 2024 йил 5 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 4-қисмининг «а» банди ва 25,273-моддаси 4-қисмининг «а» банди билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Матазимов 2024 йил 8 январь куни соат 14.00ларда таниши М.Ашурматов билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, Андижон шаҳрининг Бобуршоҳ кўчасида 1,27 граммни ташкил қилувчи озгинадан кўпроқ миқдордаги «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини холис ҳаридор сифатида ишга жалб қилинган шахсга 450.000 сўм эвазига сотиш йўли билан ўтказишган вақтда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Шунингдек, ўтказилган тезкор тадбир давомида М.Ашурматов ўзининг истеъмоли учун таркибида гиёҳванд модда сақловчи, озгинадан кўпроқ миқдорни ташкил қилувчи беш бўлакдан иборат бўлган 1,53 грамм «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини эғнидаги кийимининг чўнтагида ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаб келаётгани аниқланиб, олинган.

Судланувчи М.Матазимов судда, айбига қисман иқрорлик билдириб, узоқ йиллардан буён гиёҳвандлик воситаси истеъмом қилиб келишини, шу иш бўйича бирга судланаётган М.Ашурматов билан 2006-2008 йилларда жазони ижро этиш муассасасида танишганлиги сабабли, у билан салом-алик қилиб туришини, 2024 йил 8 январь куни соат 13.30ларда Андижон шаҳрида жойлашган Клиника шифохонасига кекса ёшдаги ҳаста онасини ёткизиш мақсадида Олтинкўл туманининг Айрончи маҳалласида яшовчи таниши Х.Нурматов билан бирга боришган вақтида, ўзини «Элёр» деб таништирган шахс қўнғироқ қилиб, ўзининг истеъмоли учун «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси топиб беришини илтимос қилганида, унга айна вақтда Клиника шифохонасида эканлигини, уни ёнига келса, топиб беришини айтганини, бироздан сўнг, ёнига «Элёр» исмли шахс келиб, унга бироз олдин қўнғироқ қилган шахс сифатида ўзини таништирганини, шунда «Элёр» исмли шахс



билан юзма-юз суҳбатлашиб, уни ишончли ҳаридор эканлигига тўлалигича ишониб, унга М.Ашурматовдан гиёҳвандлик воситаси олиб беришини айтганини, шундан сўнг, «Элёр» исмли шахсинг «Нексия-2» русумли автомашинасида Х.Нурматов уччаласи таниши М.Ашурматов билан учрашиш учун Андижон шаҳрининг Ўзбегим маҳалласи ҳудудидаги «Мумтоз» савдо мажмуаси томон йўлга чиқишганини, йўл-йўлакай «Элёр» исмли шахс унга 450.000 сўм бериб, шу пулга яраша «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси олиб беришини айтганида, айнан ўша кунларда пулга мухтож бўлиб турганлиги сабабли, озроқ пул ишлаб олиш мақсадида ундан пулни олганини, улар Андижон шаҳрининг Мукумий кўчасига етиб келишганида, «Элёр» исмли шахсга автомашинада ўтириб туришини, Х.Нурматов билан М.Ашурматовни ёнига бориб, ундан «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси олиб келишини айтиб, Х.Нурматов иккиси М.Ашурматовни олдига боришганини, М.Ашурматов билан учрашиб, унга вазиятни тушунтириб, ундан икки бўлак «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини 200.000 сўмга сотиб олиб, сўнг Х.Нурматов иккиси «Велла Элегант» меҳмонхонаси томонга кетишганини, йўлда «Элёр» исмли шахсга кўнғироқ қилиб, «Велла Элегант» меҳмонхонаси ёнига келишини айтганида, у «Нексия-2» русумли автомашинасида етиб келганини, шунда автомашинага ўтириб, «Элёр» исмли шахсга икки бўлак «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини берганини, шу пайтда уларни ёнига бир нечта фуқаролик кийимида бўлган ИИБ ходимлари келишиб, ўзларини таништиришиб, унга нисбатан тезкор тадбир ўтказилганлигини айтишиб, ундан ҳолат юзасидан сўрашганида, уларга «Элёр» исмли шахсинг илтимоси билан у берган 450.000 сўм пуллардан 200.000 сўмига таниши М.Ашурматовдан «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси сотиб олиб, ҳозиргина унга берганини айтиб, уларга ўзида қолган 250.000 сўмни тақдим қилганини, ўз навбатида «Элёр» исмли шахс ҳам ИИБ ходимларига икки бўлак «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини тақдим қилганида, улар тақдим қилинган пулни ва «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини алоҳида пакетларга солиб муҳрлашгани, шу орада ИИБ ходимлари у ерга М.Ашурматовни ҳам олиб келишиб, уни ёнини холислар иштирокида кўздан кечиришиб, эғнидаги кийимининг чўнтагидан ўзининг истеъмоли учун олиб юрган беш бўлақдан иборат «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини олишиб, алоҳида пакетга солиб, муҳрлашганини, шундан сўнг, ИИБ ходимлари билан Андижон вилоят ИИБ биносига кетишганини, у ерда мутахассис иштирокида, «Элёр» исмли шахсдан олинган икки бўлак «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси тортиб кўрилганида, вазни 1,27 грамм, М.Ашурматов ёнидан олинган «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини вазни эса, 1,53 грамм эканлиги аниқланганини кўрсатиб, М.Ашурматовни ёнидан аниқланиб олинган гиёҳвандлик воситасини сақлаб келишига алоқаси йўқлигини, уни ёнида гиёҳвандлик воситаси борлигини ҳам билмаганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғидаги кекса ёшдаги онаси, ўғли ва бир нафар фарзандининг ёлғиз боқувчисилигини инобатга олган ҳолда энгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи М.Ашурматов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 1980 йилдан буён дала майдонларидан ёввойи ҳолда ўсган наша ўсимлигининг баргларида териб, майдалаган ҳолда ширасини чиқариш йўли билан



«Гашиш»га ўхшаш гиёҳвандлик воситаси тайёрлаб, уни чекиш йўли билан истеъмол қилиб келиб, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишга одатланиб қолганлиги сабабли, 1990 йилдан буён наркология диспансерида ҳисобда туришини, шу иш бўйича бирга судланаётган М.Матазимов билан 2006-2008 йилларда жазони ижро этиш муассасасида танишганлиги сабабли, у билан ҳозирги кунга қадар салом-алик қилиб туришини, охириги марта содир этган ўғирлик жинояти учун 2018 йил 13 ноябрда 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, 2023 йил 7 ноябрда жазони ўтаб, Андижон шаҳрига қайтиб келганини, уй-жойга эга бўлмаганлиги сабабли, жазони ўтаб чиққанидан сўнг, Андижон шаҳрининг Янги бозор ҳудудидаги кунлик уйларда ижарада яшаб, бозорда эски буюмлар сотиш билан шуғулланиб келганини, 2024 йилнинг январь ойи бошларида Андижон шаҳар ҳудудида ўзига нотаниш бўлган шахсдан «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси сотиб олиб, ўзининг истеъмоли учун чекишга қулайроқ қилиб, саккиз бўлакка ажратиб, уни ёнида сақлаб келганини, 2024 йил 8 январь куни соат 14.00ларда М.Матазимов унга кўнғироқ қилиб, бир танишига «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси топиб беришини илтимос қилганида, ўзи истеъмол қилганидан қолган етти бўлак «Гашиш» гиёҳвандлик воситасидан икки бўлагини сотишини айтиб, бундан бошқа гиёҳвандлик воситаси йўқлигини тушунтирганини, бироздан сўнг, Андижон шаҳрининг Янги бозор ҳудудига М.Матазимов таниши Х.Нурматов билан бирга келганини, М.Матазимов уни четроққа тортиб, унга 200.000 сўм бериб, ундан икки бўлак «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини олиб кетганини, бу ҳолатни Х.Нурматов кўрган ёки кўрмаганлигини билмаслигини, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, уни ёнига ИИБ ходимлари келишиб, ҳолислар иштирокида ёнини кўздан кечиришиб, эғнидаги кийимларининг чўнтагидан 200.000 сўмни ва беш бўлак «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини баённома орқали олишганини, ёнидан аниқланиб олинган 1,53 грамлик гиёҳвандлик воситасини ўзини истеъмоли учун келаётганини, мазкур гиёҳвандлик воситасини сотиш ёки ўтказиш учун олиб юрмаганини, уни ёнида 1,53 грамм гиёҳвандлик воситаси борлигидан М.Матазимовни хабари йўқлигини, М.Матазимовга 200.000 сўмлик гиёҳвандлик воситасини бериб, бошқа гиёҳвандлик воситаси қолмаганлигини айтганини кўрсатиб, қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини инобатга олган ҳолда енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ Ш.Нўмонов судда, дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2024 йил 8 январь куни соат 14.00ларда Андижон шаҳар ИИО ФМБ маъмурий биноси олдида ўтиб кетаётганида, уни олдида фуқаролик кийимида бўлган ИИБ ходимлари келиб, бир ишда ҳолис сифатида қатнашиб беришини илтимос қилишганида, таклифига рози бўлгани, шу куни ишда кейинчалик таниган А.Равшанбеков ҳам ҳолис тариқасида иштирок этгани, ИИО ФМБ биносида ходимлар баённомага асосан тадбир учун ажратилган 450.000 сўм пуллардан принтер ёрдамида 4 дона 5.000 сўмлик купюралардан нусха олишиб, тадбир учун ажратилган пулларни ҳолис ҳаридорга тақдим этишгани, тадбир иштирокчилари уч гуруҳга бўлинган ҳолда автомашиналарда йўлга чиқишгани, «Нексия-2» русумли автомашинада ҳолис ҳаридор ҳаракатланиб, Андижон шаҳрида жойлашган Клиника



шифоҳонасига бориб, у ердан кейинчалик таниган М.Матазимов ва унинг шериги Х.Нурматовни олиб, Андижон шаҳрининг Янги бозор ҳудуди томон ҳаракатланиб кетишгани, ўз навбатида тадбир иштирокчилари уларни кузатиб, ортидан ҳаракатланиб боришгани, ҳолис ҳаридор «Нексия-2» русумли автомашинасида Андижон шаҳрининг Янги бозор ҳудудида жойлашган «Оқсарой» номли савдо дўкони олдига бориб тўхтаганида, автомашинадан М.Матазимов, унинг шериги Х.Нурматовлар тушиб, «Мумтоз» савдо мажмуаси томон ҳаракатланиб кетишгани, ҳолис ҳаридор эса, уларни кутиб автомашинасида қолгани, бироздан сўнг, ҳолис ҳаридор шу ҳудудда жойлашган «Велла эlegant» меҳмонхонаси томонга автомашинасида ҳаракатланиб, у ердан М.Матазимовни автомашинасига чиқариб, автотураргоҳга кириб кетгани, Х.Нурматовлар эса автомашинага чиқмасдан, ўша ерда қолгани, шу орада ҳолис ҳаридор тезкор тадбир амалга оширилганлиги ҳақида ишора берганида, ИИБ ходимлари уларни ёнига етиб бориб, М.Матазимовга ўзларини таништиришиб, унга нисбатан тадбир ўтказилаётганлигини айтишиб, ёнини кўздан кечиришиб, ундан 250.000 сўмни, ҳолис ҳаридордан эса, икки бўлак гиёҳвандлик воситасини олишгани, М.Матазимовдан гиёҳвандлик воситасини қаердан олганлигини сўрашганида, у таниши М.Ашурматовдан сотиб олганлигини айтгани, шу орада ИИБ ходимлари у ерга М.Ашурматовни ҳам олиб келишиб, уни ёнини ҳам кўздан кечиришиб, эғнидаги кийимининг чўнтагидан ўзининг истеъмоли учун олиб юрган беш бўлакдан иборат «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини олишиб, алоҳида пакетга солиб, муҳрлашгани, шундан сўнг, ИИБ ходимлари билан Андижон вилоят ИИБ биносига кетишгани, у ерда мутахассис иштирокида, ҳолис ҳаридордан олинган икки бўлак «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси тортиб кўрилганида, вазни 1,27 грамм, М.Ашурматов ёнидан олинган «Гашиш» гиёҳвандлик воситаси вазни эса, 1,53 грамм эканлиги аниқлангани, ўтказилган тадбир давомида ИИБ ходимлари томонидан судланувчи М.Матазимов ва М.Ашурматовларга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар амалга оширилмагани ҳақида кўрсатув берди.

Қўшимча гувоҳ М.Матазимов судда, судланувчи М.Матазимовнинг отаси бўлиши, ҳозирда ўғли М.Матазимов оқибатини ўйламаган ҳолда ўзининг таниши М.Ашурматов билан Андижон шаҳрининг Бобуршоҳ кўчасида ҳолис ҳаридорга «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини сотган вақтида тезкор тадбир иштирокчилари томонидан ушланганлигини ички ишлар ходимларидан эшитиб, хабар топганлиги, ўғли М.Матазимовнинг оилавий шароитини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлаётганлигини, қарамоғида кекса ёшдаги ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзанди борлигини инобатга олиб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланишини сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи М.Матазимов, М.Ашурматовларнинг айби булардан ташқари, Андижон шаҳар ИИО ФМБ ЖҚБ катта тезкор вакилининг билдиргиси, гиёҳвандлик воситаларини текшириш учун харид қилиш тезкор қидирув тадбирини ўтказиш, нарсани олиш, кўздан кечириш, тадбирни белгилаш, ажратилган пулларни рақамларини ёзиш ва махсус харидорга тақдим қилиш, нарсани соф вазнини аниқлаш, тинтув ўтказиш, юзлаштириш баённомалари ва



уларга илова қилинган фотосуратлар, суд-кимёвий, наркология экспертиза хулосалари ва суд муҳокамасида кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ А.Равшанбековнинг сўроқ баённомаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа ишончли ва мақбул далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Суд ҳайъати, судланувчи М.Матазимов ва М.Ашурматовларнинг жиноий ҳаракатлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Матазимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан, судланувчи М.Ашурматовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддаси 4-қисмининг «а» банди билан нотўғри айблов эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 29-моддасида, икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилиши;

30-моддасида, олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортилишлари, бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлиши;

8-бўлимида, олдиндан тил бириктириш - жиноят иштирокчилари ўртасида жиноят содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғулланиш тўғрисида бундай ҳаракатларни амалга оширишдан аввал келишиб олишни тушуниш лозимлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 20-бандида, бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган қилмишда, ҳар қайси иштирокчининг жиноятда иштирок этганлик даражаси ва хусусиятини аниқлаш, олдиндан тил бириктирув бўлган-бўлмаганлигини ва улар ўртасида вазифалар ўзаро тақсимланган-тақсимланмаганлигини синчиклаб текшириш лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган бўлиб, дастлабки тергов органи, иш ҳолатларига тўғри баҳо бермай, судланувчи М.Ашурматовнинг ёнидан аниқланиб олинган беш бўлақдан иборат «Гашиш» гиёҳвандлик воситасига судланувчи М.Матазимовнинг дахлдорлиги, яъни улар ўртасида олдиндан келишув бўлган-бўлмаганлиги, судланувчилар ўртасида вазифалар ўзаро тақсимланган-тақсимланмаганлиги тўлиқ текширилмаган.

Дастлабки терговда тўпланган ва судда қайта текширилган мақбул далиллар мажмуига асосан, судланувчи М.Матазимов ва М.Ашурматовлар биргаликда жиноят содир этиш борасида олдиндан тил бириктирмагани, уларни ўртасида биргаликда жиноят содир этиш борасида олдиндан келишув бўлмагани, М.Ашурматовни ёнидан аниқланиб олинган беш бўлақ «Гашиш» гиёҳвандлик воситасига М.Матазимовни алоқаси йўқлиги исботлангани, шунингдек, М.Матазимов ва М.Ашурматовлар иштирокчиликда гиёҳвандлик воситаларини сотишга суиқасд қилишганлигини исботловчи объектив далиллар мавжуд эмаслиги ҳамда уни содир этилган жиноятга дахли йўқлиги аниқланди.



Шунга кўра, судланувчи М.Матазимовни Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддаси 3-қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топиб, уни содир этилган мазкур жиноятга дахли йўқ деб баҳолаб, ЖК 83-моддасининг 3-бандига асосан оқлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 21-бандида ЖК 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотил, ҳадя этил, алмаштирил, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши, бунда воситалар, моддалар, ўсимликлар шахс томонидан бевосита ёки бошқа (масалан, улар сақланадиган жой ҳақида хабар бериш, шартлашилган жойга қўйиб кетиш) усулда амалга оширилиши мумкинлиги, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги, мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши, айбдор томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларнинг фақат бир қисми ўтказилиб, қолган қисми кейинчалик суриштирув ёки дастлабки тергов давомида аниқланса, жавобгарлик қонунга хилоф равишда ўтказиш ва қонунга хилоф равишда сақлаш учун алоҳида-алоҳида (агар мазкур восита ва моддаларни ўтказишга нисбатан қасд аниқланмаган бўлса), уларнинг миқдорига боғлиқ равишда келиб чиқиши;

25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси кириши кўрсатилган.

Суд ҳайъати, суд муҳокамасида аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи М.Ашурматовнинг ёнидан аниқланиб олинган 1,53 граммли гиёҳвандлик воситаси фақат ўзини истеъмол қилишини истисно этадиган даражада кўп эмаслигини, яъни судга оид наркология экспертизасининг 2024 йил 17 февралдаги 93-сонли хулосасида у, илгари гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилиб келгани, гиёҳвандлик касаллиги билан оғриши ва мажбурий



даволанишга муҳтожлиги кўрсатилгани, шунингдек, тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда М.Ашурматовнинг ёнида сақлаб келаётган озгинадан кўпроқ миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказишга суиқасд қилганлиги исботланмагани сабабли, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддаси 4-қисмининг «а» бандидан ЖК 276-моддаси 2-қисмининг «б» бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи М.Матазимов бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, озгинадан кўпроқ миқдорни ташкил қилувчи 1,27 грамм гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш йўли билан ўтказганликда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг «б» бандида;

- судланувчи М.Ашурматов илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган ҳолда озгинадан кўпроқ миқдордаги 1,53 грамм «Гашиш» гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаганликда ҳамда бошқа шахс билан олдиндан тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, озгинадан кўпроқ миқдорни ташкил қилувчи 1,27 грамм гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш йўли билан ўтказганликда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг «б» банди ва 273-моддаси 3-қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этишган деган тўхтамга келади.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Суд ҳайъати, судланувчи М.Матазимовнинг айбига қисман иқроор, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, унга жазо тури ва меъёрини белгилашда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 37-бандида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, содир этган қилмишини моҳиятини тушуниб етиб, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлаётганлигини, қарамоғида турмуш ўртоғи ва 1 нафар фарзанди борлигини, кекса, касалванд, ёрдамга муҳтож бўлган ота-онасининг ёлғиз боқувчиси ҳисобланишини, оилавий шароитининг оғирлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, жиноят содир этиш усулини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусиятини, айб шаклини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашнинг имкони йўқ деб ҳисоблаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда содир этган жинояти учун қонун



санкциясида назарда тутилганидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, шунингдек, суд-наркология экспертизасининг 93-сонли хулосасига кўра у гиёҳвандлик касаллиги билан оғриши ва мажбурий даволанишга муҳтожлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан жазони ўташ давомида мажбурий даволаш чораларини қўллашни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи М.Ашурматовнинг айбига тўлиқ иқрор, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига илгари ҳам қасддан жиноятлар содир этгани ҳолда қасддан янги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, унга жазо тури ва меъёрини белгилашда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 37-бандида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, содир этган қилмишини моҳиятини тушуниб етиб, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлаётганлигини, оилавий шароитининг оғирлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, жиноят содир этиш усулини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, айб шаклини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашнинг имкони йўқ деб ҳисоблаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда содир этган жинояти учун қонун санкциясида назарда тутилганидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 50-моддаси 7-қисмининг «г» бандига асосан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташни белгилашни, шунингдек, суд-наркология экспертизасининг 97-сонли хулосасига кўра у, 1990 йилдан буён гиёҳвандлик касалига чалиниб, РИНИАТМ Андижон вилоят минтақавий филиалида каннабиноидлорга тобелик синдроми билан «Д» ҳисобида турса-да, ҳозирда мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилганлиги сабабли, унга нисбатан жазони ўташ давомида мажбурий даволаш чораларини қўлламасликни;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, ашёвий далил ҳисобланган ва ДХХ Андижон вилояти бошқармасининг ашёвий далиллар сақлаш хонасида сақланаётган, судланувчи М.Матазимовдан олинган 1.17 грамм, судланувчи М.Ашурматовдан олинган жами 1,53 грамм, фуқаро Х.Нурматовдан олинган 0,02 грамм «Гашиш» гиёҳвандлик воситаларини белгиланган тартибда йўқ қилишни, судланувчи М.Ашурматовнинг аризасини инобатга олиб, унинг яқин қариндошлари йўқлиги сабабли, ундан олинган 655.000 сўм маблағларини, 1 дона «Артел», 1 дона «Н Mobile», 1 дона «Сомфай» русумли телефон аппаратларини унинг таниши Х.Нурматовга, Х.Нурматовдан олинган 1 дона «РедМИ» русумли телефон аппаратини унинг ўзига қайтаришни, тадбирда фойдаланилган 20.000 сўм маблағлар Андижон вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходими К.Мақсудовга қайтарилганлигини инобатга олишни, экспертиза текшируви учун олинган намуналарни (суртмалар) йўқ қилишни лозим топади.



Бинобарин, суд хайъати, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб,

## Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

1. Матазимов Мухсинжон Махмудович (Matazimov Muxsinjon Mahmudovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддаси 3-қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топилсин, мазкур содир этилган жиноятга унинг дахли бўлмаганлиги сабабли, у Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 3-бандига асосан оқлансин.

Матазимов Мухсинжон Махмудович Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан айбли деб топилсин.

М.Матазимовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 9 январдан бошлаб ҳисобланиб, жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

М.Матазимовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

М.Матазимов гиёҳвандлик касаллиги билан оғригани сабабли жазо ўташ давомида унга нисбатан мажбурий даволаш чоралари қўлланилсин.

2. Ашурматов Махаммаджон Байматович (Ashurmatov Maxammadjon Baumatovich)нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддаси 4-қисмининг «а» бандидан ЖК 276-моддаси 2-қисмининг «б» бандига қайта квалификация қилинсин.

Ашурматов Махаммаджон Байматович Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 4-қисмининг «а» банди ва 276-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан айбли деб топилсин.

М.Ашурматовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддаси 4-қисмининг «а» банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш, 276-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 8 январдан бошлаб ҳисобланиб, жазо махсус тартибли колонияларда ўтатирилсин.

М.Ашурматовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил ҳисобланган ва ДХХ Андижон вилояти бошқармасининг ашёвий далиллар сақлаш хонасида сақланаётган, судланувчи М.Матазимовдан олинган 1.17 грамм, судланувчи М.Ашурматовдан олинган жами 1,53 грамм, фуқаро Х.Нурматовдан олинган 0,02 грамм «Гашиш» гиёҳвандлик воситалари белгиланган тартибда йўқ қилинсин, судланувчи М.Ашурматовдан олинган 655.000 сўм маблағлари, 1 дона «Артел», 1 дона «Н Mobile», 1 дона «Сомфай» русумли телефон аппаратлари унинг таниши Х.Нурматовга қайтарилсин, Х.Нурматовдан олинган 1 дона «РедМИ» русумли телефон аппарати унинг



ўзига қайтарилсин, тadbирда фойдаланилган 20.000 сўм маблағлар Андижон вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходими К.Мақсудовга қайтарилганлиги инобатга олинсин, экспертиза текшируви учун олинган намуналар (суртмалар) йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо)

Ҳалқ маслаҳатчилари: (имзо)

(имзо)

Ҳукм нусхаси аслига тўғри

Шаҳар судининг раиси

У.Мирзаабдуллаев



Раислик қилувчи:

У.Мирзаабдуллаев

Халқ маслаҳатчилари:

С.Муллажонов

У.Мусаева



Раислик қилувчи: (имзо)  
Ҳалқ маслаҳатчилари: (имзо)  
(имзо)

Ҳукм нусхаси аслига тўғри  
Шаҳар судининг раиси

У.Мирзаабдуллаев

